Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

№ 17 (5614).
Баҳоси: обунага 16 тийин, сотувда 60 тийин.

Миннатдорлик ҳисси

КУЧИМИЗГА КУЧ ҚЎШИЛДИ

Ҳозирги иқтисодий жиҳатдан қийин шароитда муаллимларнинг шарафли, айни пайтда машаққатли меҳнатлари эътиборга олинганлиги биз ўқитувчиларнинг кучига куч қўшиб юборди. Чорак асрдан буён бошланғич синфларда дарс берман. Шу даврда мобайнида заҳматкаш знёкорнинг обрў-эътиборини ошириш, уларни ҳимоя қилиш ҳақида ҳеч ким ўйлаган эмас.

Ҳурматли Президентимиз дастлабки эътиборни бошланғич синф ўқитувчиларига қаратди. Бу бежиз эмас, албатта. Демак, ёшларга таълим-тарбияни мактабга илк қадам қўйишидан бошлаш лозимлигини ҳар бир ақли расо киши дилдан тушуниши керак.

Транспортда бепул юрамиз, квартира ҳақи ва коммунал хизматнинг 50 фоиз миқдорини тўлаяпмиз, ўй-жойлардан шахсий мулк сифатида фойдаланямиз. Яқинда буларга қўшимча яна ойлик маошимиз икки баробар оширилди. Ана шундай оғир дамларда мурувват кўрсатаётган Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорчилик билдираман. Биз знёкорларнинг ҳам кўкрагига шамол тегадиган, қаддини ростлаб юрадиган кунлар келаркан-ку!

Бозор иқтисоднётига ўтиш — бу юртга келган тўй. Бундан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Шукроналар бўлсинким, бошқа жумҳуриятлар билан қиёс қилинганда, барчасидан устунмиз — нарх-наво нисбатан арзонроқ. Ҳамма нарса қиммат деганимиз билан арзонлашиб қолмайди. Борига барака деб расамади билан сарфлайлик. Турли ғиғо гапларга тушуниб-тушунмай оғизга эрк берувчиларга ҳақиқатни ётиғи билан тушунтирайлик.

Тўғри, бозор иқтисодиёти муносабати барча қатори бизларни ҳам ташвишлантирмоқда. Лекин бу вақтинчалик, ўтиб кетар. Биз мазкур оғирчиликка бардош бериб, сабрли, қаноатли, иродали, кечиримли бўлайлик.

Тежоғли иш — бежоғли, дейди доно халқимиз. Ҳар бир тийиннн ўрнига қўйиб сарфлайлик, ўқувчиларга ҳам ўқув қуролларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, кийим-кечакларни асраб-авайлаб кийиш лозимлигини ёшлигидан уқтирайлик. Бир-биримиздан меҳр-оқибатни дариғ тутмасдан, баҳамжиҳат иш юритсак, албатта, ёруғ кунларга тезроқ чиқиб оламиз.

Озода ЮСУПОВА,
Собир Раҳимов ноҳиясидаги 224-ўрта мактабнинг катта ўқитувчиси.

ЎЗЛИГИНГ АНГЛАЙ ДЕСАНГ...

Ўзбекистон ҳукуматининг бозор иқтисоди шароитида элнинг кам таъминланган табақаларига, шу жумладан биз педагогларга ҳам кўрсатаётган мурувватидан миннатдормиз. Республика Президентининг Тошкентдаги бир қатор олий ўқув юртлари жамоалари билан учрашувларидаги нутқларида Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилишга даъватини биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Ана шу мақсадда биз педагоглар ёш авлодни чинакам истиқлол кишилари қилиб тарбиялашга, билимли, ишбилармон, ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишишлари учун бутун куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

Ҳозирги оғир дамлар ўтиб, ёруғ кунлар келишига ишонамиз. Худога шукрки, қайта қуриш шарофати туфайли халқимиз ўз ерига ўзи эгалик қилаяпти, имонимиз бут бўляпти, она тилимиз давлат тили мақомини олди. Тани-жонимиз соғ, юртимиз тинч, эркимиз ўзимизда бўлса, барча орзу-тилакларимиз рўёбга чиқаверади. Бунинг учун ҳозирги оғир кунларда ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишимиз, ҳар соҳада аниқ мақсадни кўзлаб, ижодий ишлашимиз, дўсёронлардан ширин сўзимизни, ҳиммматимизни дариғ тутмаслигимиз зарур.

Биз педагоглар Ўзбекистонимизнинг келажаги, унинг тақдири ҳозир мактабларда тарбияланаётган ёш авлод қўлида бўлишини аниқ ҳис қилар эканмиз, ҳар қандай шароитда ҳам тарбиячи-устоз эканлигимизни унутмай, сабот билан, ёшларга оталарча меҳр-муҳаббат билан сабоқ беришимиз лозим. Зотан, биз камол топаётган ёш авлод қалбига эккан уруғдан истиқлол меваси етишади. Доно халқимиз айтганидек, уруғнинг яхшилиги ҳосилнинг баракасидир. Етиштирган кадрларимиздан жамият наф кўрса, устозингга раҳмат деса, биз педагоглар учун энг катта мукофот, ишимиз ва умримиз бокийлигидир. Ҳар бир ўқитувчи бугунги кунда ўз бахтини шундай кўрмоғи ва англамоғи лозим, деб ўйлайман.

С. АБДУРАҲМОНОВА,
Қўқон шаҳридаги 26-ўрта мактаб директори.

Қува ноҳиясидаги 40-мактаб жамоаси илғор ўқитувчилар гуруҳига эга. Ижодкор педагоглардан бири А. Акромов ушбу илм масканида 25 йилдан бери риёзиёт фанидан сабоқ бериб келаётир. Эндиликда у ўқувчиларга информатика ва ҳисоблаш техникаси фани сирларини ҳам ўргата бошлади.

Тасвирда: А. Акромов юқори синф ўқувчиларига ЭҲМ билан ишлаш йўлларини тушунтирмоқда.

А. ЧАПЛИГИНА сурати.

АЛЛОМАНИ ХОТИРЛАБ

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси А. Навоий номидаги Адабиёт институтида буюк бобомиз А. Навоий таваллуд топган кунга бағишлаб шоирнинг адабий ва илмий меросини ўрганиш борасида илмий-анъанавий анжуман бўлиб ўтди.

— Навоий деганда юксак шеъриятни, энг нафис сўз санъатини тушунамиз, — деди шоир Жамол Камол. — Уни ўқиган сайин янгилик топаверамиз.

Сўзга чиққанлар Навоийнинг ўрганилаётган ва ҳали қўл урилмаган асарлари тўғрисида гапирдилар. Ғазалларидан намуналар ўқидилар.

Анжуманда навоийшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар ва қўшни жумҳуриятлардан келган меҳмонлар иштирок этишди.

Д. ЖУМАҚУЛОВ.

МУАЛЛИМЛАР МУСОБАҚАСИ

Андижондаги «Ёшлик» саройида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» учун вилоят танловининг якунловчи босқичи бўлди. Машаққатли саралаш мусобақаларидан ўтган ўн тўққиз даъвогар унда иштирок қилди. Бу даъвогарлар вилоят шаҳарлари ва қишлоқларидан келишганди.

Ўз билими, уқуви билан, дарсларга, болалар тарбиясига, ўзи ишлаётган мактабга ижодий муносабати билан муаллифлик истеъдодини намойиш этган новатор ўқитувчилар таълим беришнинг техникавий воситаларнинг усул-услубларини янги мактаб дастурларига жорий этишга интилмоқдалар. Андижон шаҳридаги 31-мактабдан Шоҳида Юсупова, Олтинкўл районидан Фарида Арабова, Қўрғонтепа районидан Муҳаммадали Турсунов, Избосган районидан Одилжон Тожибоев, Андижон районидан Саломхон Ҳалилова, Шаҳрихон шаҳридан Иброҳим Мукараммовлар танловнинг совриндори бўлдилар. Шу йилнинг мартида Тошкентда — танловнинг жумҳурият миқёсидаги якунловчи қисмида Андижон вилояти шарафини ким ҳимоя қилади? Буни ҳакамлар аниқлайдилар, улар ана шу ғолиблар ичидан бирини танлаб оладилар.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Етилган муаммолар ҳақида мактублар

МИЛЛИЙЛИКНИ ҲИСОБГА ОЛИБ

Жумҳуриятимиз билим даргоҳларидаги муаммолардан бири маданий меросимизни ўрганишга етарли эътибор берилмаётганлигидир. Ҳозирги кунда ўқувчилар орасида мактабдан ўз ихтиёри билан «ўқишни истамайман» деб чиқиб кетаётган ёки аллақачон ота-онага ва ўқитувчига нисбатан иззат-ҳурматни йўқотиб қўйган ёшлар учрамоқда. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари кўп. Масалан, жойлардаги болалар ва ўсмирлар билан шуғулланувчи ички ишлар бўлими ходимларининг ўз вазифаларига панжа орасидан қараётганликлари оқибатида мактаб ўқувчилари жиноятга қўл урмоқда, ўғирлик қилмоқда.

«Одобнома» дарслари учун кам соат белгиланганн, синф раҳбарлиги қайта кўриб чиқилмагани (синф раҳбарлиги ҳам куни узайтирилган гуруҳлар сингари бир ставка қилиб белгиланса ва синф раҳбарига юксак масъулият юклатилса, ишда, албатта, ўзгариш бўлади) ва бошқалар ўзининг салбий «самараси»ни намоён этмоқда.

Синф раҳбарлари, албатта, тарбиявий иш режасини миллийликни ҳисобга олган ҳолда, одоб-ахлоққа асосланиб тузишлари лозим. Яна бир таклифим шуки, «Одобнома»ни асосий фанлар қаторига киритиб, 1—11-синфларга ҳафтасига 2 соатдан белгилаш керак. Биз шунга ўхшаш хайрли ишларни амалга оширсак, ёшларни одобли ва ахлоқли қилиб тарбиялашда ижобий натижаларга эришамиз. Бу борада ўқитувчидан изланувчанлик, ижодкорлик талаб қилинади.

Зикир ТЎХТАЕВ,
Бухоро вилояти Пешкў ноҳиясидаги 17-мактаб ўқитувчиси.

ФИЗИКА МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш олий билимгоҳи табиий фанлар кафедраси, Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳи физика ўқитиш методикаси кафедраси олимлари ҳамда Пискент ноҳияси халқ таълими бўлими услубиёт хонаси ташаббуси билан шу ноҳиядаги 6-ўрта мактабда илмий-амалий кенгаш ўтказилди.

Кенгашда қўшни ноҳияларнинг ҳам физика ўқитувчилари иштирок этдилар.

Меҳмонлар мактабнинг физика ўқитувчилари дарсларини кузатдилар, фан кабинетлари фаолияти билан танишдилар, ўзаро илмий-методик фикр алмашдилар. Шунингдек, физика-математика фанлари номзодлари С. Орифжонов «Физика дарсларида электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш», Т. Ризаев «Физикадан масалалар ечиш методлари», М. Мамадазимов «Одам тузилиши ҳақида ҳозирги замон тасаввурлари», О. Обидов «Физика-математика фанларини боғлаб ўқитиш методлари» мавзуларида қизиқарли маърузалар қилишди. Жумладан, Р. Раҳимов вилоятда физика ўқитишнинг аҳволи, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳақида батафсил сўзлаб берди.

— Навбатдан ташқари, ўтказилган аттестация якуни бўйича вилоятимизнинг 14 нафар физика фани ўқитувчилари олий тоифага лойиқ деб топилди, — деди у. — Шулар қаторида ноҳиянгиздан икки нафар ўқитувчи бор (Т. Йўлдошев, О. Обидов). Ўқитувчиларимиз малакасини оширишда қўшни жумҳуриятлар новатор-ўқитувчиларини таклиф этиш билан биргаликда, ўзимизнинг ўқитувчиларимиз кучидан ҳам фойдаланаяпмиз. Хусусан, ноҳиянгиздан 28-мактаб ўқитувчиси Тошпўлат Йўлдошев анча йиллардан бери олий билимгоҳимизда физика ўқитиш методикасидан маърузалар ўқияптилар. Билимгоҳ раҳбарияти бу муаллимга муаллифлик курсини ўтказишни таклиф этди. Ҳозир Йўлдошев шу ишга тайёргарлик кўраяпти. Бу жараёнга бошқа ўқитувчиларимизни ҳам жалб этмоқчимиз. Бу борада сизлардан ҳам кўмак кутамиз.

Кенгаш сўнгида олимлар билан физика фани ўқитувчиларининг қизиқарли суҳбати бўлиб ўтди.

А. ҲАЙДАРОВ.

Фармон ва ижро

«ҲАР ҲОЛДА УМР КЕЧИРСА БЎЛАДИ...»

Бозор иқтисоди ўз «қилиқларини» кўрсатаётир. Одамларнинг турмуши улар хавфсираб кутаётганидан ҳам ёмонроқ бўла бошлади. Тўғри, ҳукумат меҳнат аҳлини иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш мақсадида баъзи тадбирларни белгилади. Аммо мактабларнинг муаллимлари аҳволи ҳозир қандай кечмоқда? Мана шу савол билан «Маърифат»нинг Оҳангарондаги мухбирлар пости раҳбари Мўмин Қаюм Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Исоқ Қорабоевич Тошевга мурожаат қилди.

МУХБИР: Исоқ Қорабоевич, ҳозирги пайтда, айниқса, шаҳар мактабларининг муаллимларини ҳеч қандай ёрдамчи хўжаликка эга бўлмаганлигини эътиборга олсак, ёлғиз ойлик маошга кун ўтказувчи ўқитувчилар қийналиб қолмаяптими?

Исоқ ТОШЕВ: Нимасини айтасиз. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, ўқитувчиларнинг ойлик маошлари амалдаги ўқув йилининг бошида уларнинг малакасига қараб оширилган эди. Ойлик маош белгилашда ўқитувчиларнинг малакалари ва билимларига қараб тоифаларга ажратилган. Олий тоифа, биринчи тоифа, иккинчи тоифа ва оддий ўқитувчи сифатида уларга ойлик маошлар белгиланган. Шунга кўра, ўтган йили ҳафталик ўн олти соат дарсга эга бўлган ўқитувчининг энг кўп маоши 350 сўм бўлса, энг кам маош оладиган муаллимнинг бир ойлик пули 260 сўмни ташкил этди. Лекин шу йилнинг январь ойидан бошлаб эса ўша ойлик маошларга яна шунча миқдорда қўшилди. Бинобарин, ҳозир 650—700 сўмдан кам маош олаётган муаллим бўлмаса керак. Аммо вақти келиб муаллимларнинг ойлик маошларини яна кўтариш масаласи ҳамон кун тартибида турибди. 700 сўм — кам маош эмас. Ҳар ҳолда умр кечирса бўлади.

М: Шундай деймиз-у, ҳозир бир одамнинг «чала курсоқ» бўлиб тушлик қилишининг ўзи ўн сўмга тушаяпти. Шаҳардаги жамоат транспортлари ҳақи ҳам ортиб кетди. Айни пайтда коммунал хизмати ҳақлари осмонга чиқиб бораяпти.

И. Т.: Ўтган йилнинг биринчи декабридан бошлаб биз ҳамма муаллимларга шаҳар жамоат транспортларида текин юриш ҳуқуқини берувчи махсус чипталар берганмиз. Бу йил учун эса ҳар бир муаллимга 45 сўмлик ана шундай чипталар берилди. Бироқ, биз бу сафар маблағни автобуслар учун эмас, балки троллейбуслар учун ўтказдик. Ўтган йилнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, аксари шаҳар автобуслари ўз маршрутлари билан мунтазам қатнамадилар. Кечга томон эса улар умуман кўринмай қолади. Троллейбус эса анча қулай. Овқатланишга келсак, ҳамма ўқитувчилар мактабларнинг ошхоналарида овқатланадилар. Бир ўқитувчининг тушлик таоми 8 сўмга тушмоқда. Бу пулнинг тенг ярмисини шаҳар халқ таълими бўлими тўлайди. Афсуски, ўқитувчиларнинг тушлик таомларини бутунлай текин қилишга ҳозирча қурбимиз етмай турибди. Булардан ташқари, шаҳримиз ўқитувчилари яна бир қанча имтиёзларга эга. Ўзлари яшаб турган уйларни текин, ўз ихтиёрларига ўтказиб олиш, коммунал хизмат ҳақининг фақат ярмини тўлаш, электр қувватидан фойдаланишдаги имтиёзлар озгина бўлса ҳам муаллимларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этади.

М: Яшаб турган уйларини ўзларига ўтказиб олишда илгари шу уйларда яшаган ўқитувчининг имтиёзлари бор. Аммо уй олиш учун навбатда турган муаллим нима қилади бу борада? Энди муаллимларга уй беришармикан?

И. Т.: Мен шу лавозимда олти йилга яқин ишлаётганман, бозор иқтисоди муносабати билан кўп муаллимлар бошқа ишларга ўтиб кетмоқда, жумладан, савдо, кооператив, деҳқончилик, фермерлик соҳасига. Бу эса мактабларда кадрлар танқислигини келтириб чиқараётир. Кадрлар масаласини тилга олдингиз. Бу — бизда ҳам энг долзарб масала бўлиб турибди. Ҳозирги кунда шаҳар мактаблари учун 60 дан зиёд мутахассис-кадрлар етишмайди. Айниқса, кимё, математика, биология, физика, рус тили ва она тили муаллимларига, рус синфларида ўзбек тили ўқитадиган мутахассисларга жуда муҳтожмиз. Шунинг учун ҳам айрим мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари иккинчи сменада ўқишга мажбур бўлмоқдалар. Биз бу муаммони бир қадар ҳал этиш чораларини кўраяпмиз. Лекин муаллимларнинг аксари катта маош эвазига бошқа ишларга ўтиб кетиш ҳоллари ҳамон тўхтамаётгани бизни ташвишга солаётир. Тўғрида, олий маълумотли муаллим эртадан кечгача мактабда асаблари бузилиб 600—700 сўм маош олса-ю, масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ойига атиги ўн кун ишлайдиган қоровули, ҳеч бир асаб бузарликка дуч келмай, 1000 сўмдан маош олиб турса. Ўқитувчиларнинг етишмаслиги оқибатида айрим мактабларимиз ҳамон икки сменада ишлайди, муаллимлар ҳаддан ташқари чарчаб қолаётир. Мутахассислар сўраб биз юқори ташкилотларга муттасил мурожаат қилишимиз ўз самарасини бермаяпти. Жумҳурият Президентининг кейинги фармонига кўра нафақачи муаллимлар билан шартнома асосида ишлашни жорий қилайликми, деган фикр ҳам туғилмоқда. Аммо нафақачи, айни пайтда илгари асаблари қақшаб, чарчаган муаллимлар қанча соат дарс олиши мумкин? Мен фурсатдан фойдаланиб, барча шаҳар ва ноҳиялардаги педагогик иш билан банд бўлмаган мутахассис муаллимларни Олмалиқ шаҳар мактабларида ишлаш учун таклиф қиламан.

М: Исоқ Қорабоевич, мактабларингизда кадрлар масаласи ҳам ҳал бўлар. Бироқ мени шаҳарда халқ таълимининг бундан кейинги тараққиёти қизиқтиради.

(Давоми 2-бетда).

Ташвишли хабар

МАКТАБ ОШХОНАСИДА ТАҚЧИЛЛИК

Эркин нархлар охир-оқибатда нималарга олиб бориши ҳали номаълум. Лекин нарх-навога эркин тус бериш чоғида ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланган кишиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш зарурлиги мутлақо равшан. Аммо Сирдарё вилоятида олдинги нархлар амал қилган пайтда ҳам мактаб ўқувчилари республика Президентининг фармонида кафолат берилган маҳсулотларни ҳамиша ҳам олмас эдилар.

Бунга ишониш қийин, лекин ўтган йили Сайхунобод ва Комсомол районларидаги мактаб ошхоналарида ўқувчиларга бирорта ҳам тухум берилмади, умуман вилоят бўйича аҳоли жон бошига иккитадан тухум тўғри келди. «Сариёғ ва гўшт ҳам камайиб кетди. Масалан, Оқолтин, Гулистон, Комсомол, Меҳнатобод ва Ховос районларидаги мактаб ошхоналари меъёрдагидан 50 фоиз кам сариёғ ва гўшт олдилар. Вилоят халқ назорати комитетида олинган бу маҳсулотлар ҳам ҳамиша болаларга етиб бормаётганлигини кўрсатувчи маълумотлар бор. Шундай экан, мактаб ошхоналарида тайёрланаётган овқатларнинг тўйимлилиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Вилоятда ҳаммаси бўлиб куни узайтирилган гуруҳларда 81 минг ўқувчига, яъни 1—5-синфларнинг ўқувчиларига бепул нонушта ва овқат берилади. Шундан фақат Сирдарё ва Янгиер шаҳар мактабларида иш бироз дурустроқ. Аслини олганда умумий овқатланиш корхоналарининг моддий-техникавий базаси ривожланмаяпти. Мактабларнинг ярмидан сал кўпроғида замонавий ошхоналар бор, қолганларида ошхоналар мослаштирилган биноларга жойлаштирилган бўлиб, иссиқ овқат тайёрлаш учун оддий шарт-шароит ҳам йўқ. Бунинг устига бундай ошхоналарга бепул овқатланиши лозим бўлган ўқувчиларнинг ярмигина сиғади. Музлаткичлар, сув иситиш асбоблари, гўшт қиймалайдиган асбоблар, қозонлар етишмаяпти.

Боёвут районидаги 15-мактабда ошхонада 653 ўқувчи учун атиги 50 та ликопча ва 100 та стакан бор. Гулистон шаҳридаги 4-мактаб ўқувчилари ҳам идишни уйдан олиб келишга мажбур бўлишяпти. Ҳозир йўл қўйилган хато ва нуқсонлардан тегишли хулоса чиқариб оладиган пайт келди. Эркин нарх жорий этилаётган даврда бундай хатолар жуда қимматга тушмоқда.

Г. ОГОРОДОВ,
ЎзА мухбири.

Танишинг, ишбилармон кишилар

«ОНА» РАҲМ-ШАФҚАТИ

Очиғини айтганда, Нафиса Тошматова маълумоти ҳақида учта дипломга эгалигини айтганда, ишонқирамай кулимсираб уни ноқулай вазиятга қўйдим. Нафиса жаҳли чиқди, шекилли, ўрнидан даст туриб, сейфдан ўз дипломларини олиб кўрсатди. Учта дипломни кўздан кечириб, Нафиса Тошматова 1957 йилда медицина билим юртини, орадан 14 йил ўтгач эса Низомий номидаги Тошкент педагогика олий билимгоҳининг сиртқи бўлимини, яқиндагина эса, бундан бир неча ой илгари бизнесменлар мактабини ўқиб битирганлигининг гувоҳи бўлдим.

Унинг билим олиш борасидаги сўнггги одими обдон ўйланиб, ишонч билан қўйилгани аниқ эди. Бу аёлнинг серғайратлиги, иродалилиги, ҳатто жасоратлилигини билиш ва тушуниш учун у билан камида бир марта учраши керак. Кўпинча учраб турадиган ҳолатлардек, Тошпўлатова «ўз иши»га таваккал қилмайди. У ипидан-игнасигача ўйлаб иш тутди. Бизнесменлар мактабида ўқишда ҳам худди шундай қилди. Фақат шундан кейингина у ҳозир «Она» деб ном олган, жавобгарлиги чегараланган жамоат уюшмасига раҳбарликни ўз зиммасига олди. Уч нафар шахс (табиийки, улар орасида бизнинг қаҳрамонимиз ҳам бор) ўзлари жамғарган пул ҳисобига бу уюшмани туздилар, барча зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиб, Тошкентнинг Фрунзе райони ижроия қўмитасидан рўйхатдан ўтказдилар. Ва, ниҳоят, ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб бош директор Н. Т. Тошпўлатова раҳбарлигида уюшма ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Фаолият етарли даражада қизғин олиб борилмоқда. Бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. Зотан, уюшма ғояси бартер операциялари йўли билан ё сўмлардан, ёки камёб моллардан фойда олиш, кейин эса буларнинг ҳаммасидан кўпболаги оилаларга, кам таъминланган, ёлғиз нафақахўрларга, ногиронларга раҳм-шафқат ёрдами сифатида фойдаланишдан иборат.

— «Она» уюшмаси ана шу мақсадда ташкил топган, — дейди бош директорнинг маслаҳатчиси Хўжа Акбарович Ҳакимов. — Яна шунга ишонингки, уставимиздаги ҳамият кўрсатиш, раҳм-шафқат қилиш каби сўзларни шунчаки оддий чиройли иборалар ва навбатдаги одатга айланган инъом деб тушунмаслигимиз лозим. Булар фаолиятимизнинг асосий мазмунидир.

Бартерлик ишлари ҳам, оддий хизмат кўрсатиш ҳам, сервис хизматининг айрим турлари ҳам, соғломлаштириш ишлари ҳам — биз шуғулланаётган ишларнинг ҳамма-ҳаммаси айни кўзланган мақсад билан боғлиқдир.

Ҳаракат кўламини тушуниб етиш учун эндиликда «Она» уюшмаси «ҳисоби»да бор бўлган аниқ далилларни баён этмоқчиман.

Украинанинг Чернови вилоятидаги Кобилянская номли жамоа хўжалигидан 160 та бузоқ олинди. Иркутск шаҳрининг Братск шаҳридан 4 вагон қурилиш материаллари келтирилди. Буларнинг ҳаммаси республикамиз хўжаликларидан сотиб олинган пиёз, сабзи, бошқа сабзавотларга алмаштирилиб олиб келинди.

Барча моллар жойлардан келтирилганидан сўнг, улардан олинган фойда ҳисобига раҳм-шафқат кўрсатиш онлари бошланди. Тошкентнинг Фрунзе ноҳиясидаги ногиронларга, нафақахўрларга, кам таъминланган оилаларга Янги йил арафасида 20 тоннадан ортиқ сабзи, карам, турп берилди. Қон қуйиш институтида даволанаётган беморларга бир неча тонна сабзавот инъом этилди.

Кейин эса ноҳия маҳалла қўмиталари раисларини йиғиб, маслаҳатлашиб, ёрдам кўрсатиладиган кишилар рўйхати тузилди. Ана шу рўйхатдагиларга 200 нафар бола учун Янги йил совғалари, 50 комплект ётоқ чойшаби ва иккита сигир тақсимланди. Айниқса, сигир совға қилинадиган номзодларга жиддий текширувлардан сўнг бир қарорга келинди: ҳар бири 11 боланинг онаси бўлган Заира Маннопова ва Қумри Шариповалар совға қилинган сигирларнинг эгалари бўлдилар.

Сизга қандай билмайман-у, лекин мен Нафиса Тошпўлатова ва унинг «фирма»си билан танишар эканман, фаолият кўламининг кенглигига қойил қолдим. Унинг фаолияти ҳаммага аён эди. Жумҳурият пойтахтининг бир ноҳиясидаги ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашиш мақсадида уюшма ходимлари сонбиқ Иттифоқ ҳудудининг ҳамма-ҳамма жойларини кезадилар, ўз зиммаларига турли-туман ишларни — Янги йил совғаларини жойлаб жўнатишдан тортиб спорт отларини етказиб беришгача бўлган ишларни оладилар. Бошқача қанақа ҳам бўлиши мумкин? Ҳолбуки, асосийси — пировард натижа: кимга ёрдам керак бўлса, шунга кўрсатилади, — дейди Нафиса Тошматовна.

Назаримда, ёрдам бериш нияти унинг қон-қонига сингиб кетгандек. Қачонлардир, аниқроғи 50-йиллар охирида, Нафиса холис, беминнат донорлик қилишнинг биринчи тарғиботчиларидан эди; узоқ йиллар мобайнида у Қизил ярим ой жамиятининг турли қўмиталарида — оддий ҳамшираликдан то шаҳар миқёсидаги раҳбарлик лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳамиша кишилар орасида бўлди, ҳаммавақт одамларни деб ишлади. Унинг ўзи беминнат донор сифатида қанчадан-қанча қон топширди.

Мана энди у «Она» раҳбари. У Янги йил байрами кунлари ўтганидан кейиноқ ўз магазинини вужудга келтиришга жиддий киришди: ноҳия ижроия қўмитасига бу масалани узил-кесил ҳал қилишни қўйди.

— Бу магазинда кам таъминланган кишилар учун нисбатан арзон нархларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилишини истаймиз, — деб ҳикоя қилади Нафиса Тошматовна. — Яна гўшт ҳам сотмоқчимиз. Чунки, 160 та бузоқнинг бир қисмини пойтахт вилояти меҳнаткашларига бериб, бир қисмини ўзимизда боқувга олиб қолган эдик. Яна саноат моллари савдоси бўлимини ҳам очишни кўзда тутганмиз. Моллар сотилишидан олинган даромад пулини раҳм-шафқат йўлида сарфлаймиз. Булар ҳали режаларимиздир. Бироқ мазкур режалар қанчалар амалга ошишини ҳозирча аниқ айтиш қийин...

Ўйлайманки, Нафиса Тошпўлатовна бош бўлган жойда барча ишлар бароридан келади. Чунки у, айниқса, оналарга, хотин-қизларга эътибор, ғамхўрлик, ёрдам ҳақида гап борганда, бу мақсад йўлидан чекинадиганлардан эмас. Нафиса аёл сифатида ҳам оналар мушкуллиликларини яхши тушунади. Шундай бўлса-да...

— Бу аёл эркаклардек доно ва жасур, кишини ҳайратда қолдирадиган ғайратли, ишбилармонликнинг мураккаб масалаларини заковат билан ҳал қила олади. У қанчалар куч-ғайратга эга!.. Ҳар қандай эркак ҳавас қилса арзийди, — деди Нафиса Тошпўлатова ҳақида «Агропромсервис» раиси В. Падиков.

Бу таърифда «Она»нинг — уюшманинг ҳамма-ҳамма меҳр-шафқатлари мужассамдек туюлади менга...

И. АУЛОВА,
мухбиримиз.

«ҲАР ҲОЛДА УМР КЕЧИРСА БЎЛАДИ...»

(Боши 1-бетда).

И. Т.: Бу соҳада амалга оширилиши реал бўлган катта дастуримиз бор. Жумладан, янги ўқув йилидан бошлаб шаҳарда ўзига хос мактаб-гимназиялар ишга тушади. Бунинг учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўраяпмиз. Зарур ички имкониятлар бор, бино ҳам ажратилди, кадрларни тайёрлаяпмиз. Аммо юқори ташкилотларнинг баъзилари ҳали ҳам эски иш услубидаги маъмуриятчиликни рўкач қилишмоқда. Бироқ биз уларга қулоқ солиб ўтирмаймиз. Шаҳар ҳам, мактаб ҳам, ўқувчи ҳам, пул ҳам ўзимизники. Аммо яна ўша кадрлар масаласи ҳамон тишга тегиб турибди. Бу энди кўпроқ мактабгача тарбия болалар муассасаларига тааллуқли. Тўққиз юз тарбиячининг уч юздан кўпроғи махсус маълумотга эга эмас. Бу муаммони ўз кучимиз билан ҳал этишга киришдик. Бу масалада шаҳардаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларимиздан фойдаланмоқдамиз. Уларда тарбиячилар тайёрлайдиган махсус гуруҳлар ташкил этдик. Болаларни ўқитишда бизга Тошкентдаги педагогика билим юрти яқиндан амалий ёрдам бераётир. Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатидаги бу курсларга ўн биринчи синфларни тамомлаган қизлар қабул қилинади, икки йилу 4 ой таълим олгандан сўнг уларни шаҳар боғчаларига ишга оламиз. Ўтган йили бу курсларни 60 нафар қиз тамомлади, бу йил яна шунча тамомлайди.

Истиқболда мактабларни молиявий мустақил этиш масаласи ҳам турибди. Буни қандай амалга ошираяпмиз? Аксари мактабларнинг спорт заллари кечалари ва дам олиш кунлари, таътил пайтларида бўш бўлади. Биз уларни ўша пайтларда машғулотлар ўтказиш учун ташкилотларга ижарага бераяпмиз. Ёки, олайлик, нима учун мактаб спорт залларида тўйлар, турли кечалар, маҳаллаларнинг тантанали кечаларини ўтказиш мумкин эмас? Масалан, шаҳарга қарашли Бўстон қўрғонида шундай бинолар йўқ. Маҳалла қўмитаси ўз йиғилишлари, тантанали кунларини шу ерда ўтказгани учун мактабга ҳақ тўлайди. Молиявий мустақилликнинг бошқа йўлларини ҳам излаяпмиз. Масалан, 2-ўрта мактабда пуллик тўгараклар: акробатика, рақс, сартарошлик, ганч-ўймакорлик тўгаракларини очяяпмиз. Бу ҳам мактабга яхшигина маблағ бериши мумкин. Булардан ташқари, айрим мактабларда баъзи фанларнинг ўқитилишини пуллик қилишни ўйлаб турибмиз. Масалан, бир мактабда математика бўйича гуруҳ очамиз. Унда атиги 6—7 ўқувчи қатнаб ўқийди, бошқа пайтда яна ўз мактабида машғулотларга қатнашаверади. Биз анчагина ўқитувчилар, мактабларнинг раҳбарларини бошқа шаҳар ва вилоятларга бозор иқтисоди шароитида ишлашини ўрганиш учун тажриба алмашишга юборишни ҳам ният қилиб қўйдик. Хуллас, ўқитувчининг бозор иқтисоди синдириб қўймаслиги учун мумкин бўлган барча чораларни амалга ошираяпмиз.

М: Бозор иқтисоди ва муаллимни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан белгилаган ва амалга ошираётган тадбирларингиз қувонарли, албатта. Лекин бу соҳада бир ўзингиз қийналиб қолмасмисиз?

И. Т.: Қийин, албатта. Лекин менинг орқамда халқ ноиблари шаҳар кенгаши, шаҳар жамоатчилиги, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, гилам фабрикаси, «Алмаликсвинецстрой» тресті, шаҳардаги барча катта ва кичик корхоналарининг жамоалари турибди. Қолаверса, вилоят халқ таълими бошқармаси, вазирлигимиз ишимизни маъқуллаяпти. Уларнинг мададисиз ёлғиз ўзим нима ҳам қила олардим. Яна бир масала. Бизда тарбияси қийин болалар деган ибора яна тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолинди. Менимча, унинг асосини тарбияси қийин ёлғиз оналар муҳитидан излаш керакка ўхшайди. Агар ташкилотларнинг раҳбарлари бу соҳада жиддийроқ иш олиб борсалар, айни муддао бўларди.

М: Яна муаллимнинг ижтимоий ҳимояланишига қайтсак. Ёлғиз ойлик билан кун кўрувчи кўп болали ўқитувчининг турмушини яхшилаш борасида яна нималар қилган бўлардингиз?

И. Т.: Айрим муаллимларимиз дарслардан бўш пайтларида ўриндош сифатида бошқа ташкилотларда шартнома билан ишламоқдалар. Ёнимизда «Олмалиқ» совхози, Пискент ноҳиясининг колхозлари бор. Аксари муаллимлар ёз пайтларида ўша хўжаликлардан ер участкалари олишиб, шартнома асосида ижара билан ишлайдилар, деҳқончилик қиладилар, фермерларга ёрдам берадилар, боғдорчилик билан шуғулланадилар. Шундай усул билан ҳам ўз турмушларини яхшилаш йўлларини изламоқдалар.

М: Яхши айтдингиз. Оҳангарон ноҳиясидаги «Шодималик», «Бирлик» ва «Дўстлик» ижара жамоаларида муттасил ишчи кучлари етишмаётир. Агар муаллимларингиз, хоҳловчилар, албатта, ёзги таътил пайтларида ўша ерларга бориб меҳнат қилишса, деҳқонлар жон-жон деб қабул қилишарди. Ҳеч бўлмаса қишлик сабзавотларини тўплаб олишади-ку!

И. Т.: Бу масала ҳам анча диққатга сазовор. Уни муаллимлар билан маслаҳатлашиб кўрамиз. Суҳбатимиз ҳам пировардига етаётибди. Мен «Маърифат»нинг бизнинг шаҳаримиз муаллимлари иқтисоди билан қизиқиб, биз учун жон куйдираётганидан ғоятда мамнунлигимни изҳор этмоқчиман. Рўзноманинг таҳририятига бунинг учун катта раҳмат.

М: Ташаккур. Қийин, истиқболли ишларингизга муваффақиятлар тилайман.

Суҳбатдош
Мўмин ҚАЮМ.

АДАБИЁТ МУАЛЛИМЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

РЕЖА ЧЕГАРА ЭМАС

Ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитишда адабиётнинг таъсир кучи беқиёсдир. Чунки бу фаннинг ифодалаш имкониятлари кучли. Кўп жойларда шу имкониятлардан фойдаланиш самарали эмас.

Ўқитувчи маҳоратли бўлса, ўқувчига бадиий асарнинг кучини сингдириб юборади. Дарс режасига қаттиқ ёпишиб олиш, ундан ташқарига чиқмаслик ўз фанини севмайдиган, дунёқараши тор ўқитувчиларга хосдир. Дарс режаси, биринчидан, ўқитувчининг қимматли вақтини кўп олса, иккинчидан, имкониятларини чеклайди. Адабиёт — ҳаёт дарси. Ўндан унумли фойдаланиб, ўқувчиларни ҳар томонлама катта ҳаётга тайёрлаб боришимиз лозим. Яъни ўқувчи воқеа-ҳодисалар ҳақида мустақил фикрга эга бўлсин.

Яқинда ойнаи жаҳон орқали табиат муҳофазаси ҳақида ҳужжатли фильм кўрсатилди. Гўзал манзара: майсазор, гуллар, чиройли дарахтлар ёнида оқаётган тиниқ дарё. Дам олувчилар келиб кетганидан кейинги манзара: майсазорлар пайҳон қилинган, гуллар узилган, дарахтлар синдирилиб, гулхан ёқилган, бўшаган шиша, консерва идишлари дарёга улоқтирилган. Шу ачинарли манзара кўрсатилаётган бир пайтда экранда яланғоч аёлнинг катта сурати намоён бўлди. Хўш, бу суратнинг табиатга қандай боғлиқлик жойи бор? Мен шу савол билан ўқувчиларимга мурожаат қилдим. Кўпчилиги ўзлари билганича жавоб беришди. Жавобларни умумлаштирдим. Яъни уйғониш даврининг буюк мусаввирлари табиатнинг ҳамма гўзалликларини аёл қоматининг мутаносиб жойлашганлиги орқали ифодалашган. Қисқаси, табиатнинг барча гўзалликларини аёл қоматида мужассамлаштирган. Бу билан фильмда табиат шундай гўзаллигича, бутунлиги бузилмасдан туриши керак, деган ғояни илгари сурган.

Адабиёт дарсларини шеърсиз тасаввур қилиш қийин. Афсуски, бирорта шеърни тўлиқ ёддан билмайдиган ўқитувчилар ҳам сафимизда кўп. Агар биз ўқувчиларимизни шеърни тушунишга ўргата олсак, уларга жуда катта маънавий бойликнинг эшигини очиб берган бўламиз. Шеъриятни яхши кўрган инсон қўлидан ёмонлик келмайди. Масалан, кишиларни камтарликка ундовчи шеърларни ўқиб, ўқувчилардан ўз хулосасини сўрасак, гарчи дарс режасидан ташқарига чиқиш бўлса ҳам, бунинг нимаси ёмон? Дейлик, Юсуф Жумаевнинг «Бозордаги суҳбат» шеърини олайлик. Харидор барча мевалар билан суҳбат қуради. Меваларнинг нархи осмонда. Нега шундай? Шоир сабабини ахтаради ва жавоб топади. Шеър:

Ерда эдик, аслида,
Қайтмоқчимиз, бўлса имкони.
Бизни кўкка кўтарган
Юксак пахта хирмони,

деган мисралар билан якунланади. Бундан ўқувчилар ноз-неъматлар камчилигига пахта яккаҳокимлиги сабабчи, деган хулосага келади. Режадан ташқарига чиқадиган бўлсак-да, бунинг нимаси ёмон?

Демоқчиманки, ўқитувчи ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитадиган воситаларни топса, режадан ташқарига бемалол чиқавериш мумкин.

Қ. СОЛИЕВ,
Фарғона вилояти Киров ноҳиясидаги 4-ўрта ҳунартехника билим юртининг олий тоифадаги ўқитувчиси.

Пойтахтдаги лицей типида фаолият кўрсатаётган 9-мактабда ҳар бир фан бўйича ўқувчиларга батафсил илм бериш асосий мақсад. Ҳозирда лой, чўп ва шу кабилардан турли шакллар ясашаётган тасвирлардаги бу ўқувчилар ичида, балким, машҳур бинокорлар ёки ҳайкалтарошлар ўтиргандир.

Суратқаш
А. ЧАПЛИГИНА.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Ёзувнинг пайдо бўлиши ахборот сақлаш ва узатишнинг янги имкониятларини берди. Шу кунгача етиб келган ёзма қадимий ёдгорликлар бизга замон пардасини кўтаради ва қадимий маърифатлар дунёсига назар ташлаш имконини беради. Масалан, энг қадимий маърифатлардан бири бўлмиш Мессопатамия сопол лавҳаларга ишланган кўпдан-кўп ёзувларни ўқиш туфайли яхши ўрганиб олинди. Бундай лавҳани қадимий икки дарё оралиғининг рамзи десак кўп жиҳатдан тўғри бўлади. Қадим замонлардаёқ пайдо бўлган ёзув бутун Ўрта Шарқдаги халқаро алоқанинг ўзига хос алоқаси бўлган эди. Сақланиб қолган ёзувлар орасида диний маросимларга оид сўзлар, «илмий» (белгилар, тиббий дорихатлар, мунажжимларнинг башоратлари тўпламлари, шумер-аккад луғатлари) ва адабий матнлар бўлиб, улар қайта-қайта ёзилган ва бошқа қадимий тилларга таржима қилинган.

Топилган лавҳалар орасида инсониятга маълум бўлган энг қадимий ҳуқуқий ҳужжатлар (подшо Ҳаммурапинг қонунлари ва Урунимгиннинг бундан ҳам қадимги қонунлари (эрамиздан аввалги 1318—1312 йиллар)да «Кучлилар беваларни ва етим-есирларни ранжитмасинлар» деган шиор ёзилган) учрайди.

(Боши ўтган сонларда).

Сополдаги Вавилон «қўлёзма»сида математика оид рисолалар ва астрономияга оид тўпламларни ўқиймиз. Вавилон илм-фани дунёга берган кўпгина бисотлардан ҳозир ҳам фойдаланяпмиз. Масалан, доирани 360 даражага, соатни 60 дақиқага бўлиш ва ҳоказо.

Икки дарё оралиғининг қадимий ёзуви ғаройиб адабий манбаларни ҳам бизгача етказиб келган. Чунончи, Гилгамеш ҳақидаги достонда инсон ҳаётининг маъноси ҳақидаги, умр боқийликни излаб топиш ҳақидаги «абадий саволлар»дан бири ўртага қўйилган. Икки дарё оралиғининг қадимий адабиётида инсоннинг дунё ҳақидаги тасаввури қўшни халқларнинг адабиётига, инжилга, у орқали Европа ва Америка адабиётига ҳам кучли таъсир ўтказган.

Қадимий ёзма манбаларни ўқиш ва тушуниш қадимий маърифатларнинг яхлит манзарасини қайта гавдалантириш вазифасини кўндаланг қилиб қўймоқда.

«Мўъжизасиз мўъжиза». Қадимий маърифатларнинг ютуқлари тушунарли бўлиб туюлса-да, шу ютуқларни тўғри тушуниш муаммоси ҳозирги замон фани учун энг муҳим муаммолардан бири бўлиб турибди. Қадимги дунё кўп жиҳатдан жумбоқлигича қолмоқда. Ўтмишнинг соддалиги юзаки тасаввур бўлиб чиқмоқда. Ўтмишга чуқур кириб борилган сайин саволлар жавобсиз қолмоқда.

Қадимги ўтмишни эслаган пайтда кўпинча қадимги Юнонистонга мурожаат қиламиз. Ўша давр турмушининг кўпгина жиҳатлари 8-синфданоқ бизга таниш машҳур Саламин жангини ким эсламайди дейсиз, Фемистокл номини ким билмайди, дейсиз. Аммо биз шу воқеаларни эслаганимизда айни Саламин жанги арафасида Фемистокл уч аслзода эрони йигитни қурбон қилишга фармойиш беришининг сабаби ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Бу нарса ҳеч кимга даҳшатли ёки ўринсиз ҳодиса бўлиб туюлмаган. Қурбонлик қилиш ғоясининг ўзи шундан иборат бўлганки, инсонга шунчаки қурбон қилинадиган жонивор каби қурбон бўлиш мақоми берилган. Дарвоқе, модомики гап қурбон қилинадиган жониворлар ҳақида борар экан, биз қадимий юнон ибодатхоналари, шу жумладан кўркам парфенона қурбонлик қилиш вақтида ижтимоий қушхонани эслатгани ҳақида ўйлаб кўрамизми? Қон ҳидига, куйган гўшт ва ёғ ҳидига биз қандай бардош бера олган бўлур эдик? Ҳолбуки, бу қадимий ибодатхоналарнинг турмуши эди.

Қулликнинг руҳий ҳолати-чи? Бу ҳолат бизнинг нуқтаи назаримиздан мутлақо ажабтовур ҳодиса эмасмиди? Демократия ҳукм сурган Афинанинг гуллаб-яшнаган даврида мутлақо бегуноҳ ва ҳатто гумон ҳам қилинмаган қулни гувоҳ сифатида сўроқ қилинганида ҳам, албатта, уни қийноққа солиш одат тусига кирган эди. Бу далилнинг ўзи эмас (тарихда бундан ҳам шафқатсиз урф-одатлар бўлган), балки ўша дунёдаги энг маърифатли ва эркин давлат жамиятининг шу далилга муносабати кишини ҳайрон қолдиради.

Ҳа, қадимий маърифатлар бегонага тоқат қилолмас ва тенг ҳуқуқли бўлмаган кишига нафрат билан қарар эди. Риёкорлик ва тилёғламалик қилмай рўй-рост ва осойишта нафратланар эдилар. Бироқ айни вақтда қадимий маърифатлар даргоҳида умумбашарий бирлик ва шахснинг маънавий баркамоллиги қоидалари, унинг танлаш ва масъулият имконияти юзага келган эди. Бу қоидалар жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан бирга қарор топди, мазкур динлар эса туғилишдан бошлаб унга мансуб бўлмаган, балки шу динни онгли равишда танлаб олувчи мўминларни ўз тарафига жалб қилишни, албатта, назарда тутар эди.

Бора-бора айни жаҳон динлари маърифатли бирлашув омилларидан бири ролини ўйнади.

Маънавийлик муқаддас уруғчилик «тақиқлари»дан халос бўлмаган, шахсий маънавий онг уруғ жамоасининг ижтимоий фикри билан айнан бир нарса деб тушунилган пайтларда фикрлаш тарзини, турмуш тарзини эркин танлаб бўлмас эди. Уруғ анъаналари ўз-ўзидан ҳукмронлик қилиши барбод бўлгач, алоҳида ҳар бир киши ўз ҳаётий мавқеини мустақил танлаши долзарб муаммо бўлиб қолди.

Айни қадимий маърифатлар даврида ғоялар ҳокимияти кашф қилинган эди, шу ҳокимиятга биноан инсоннинг одамлар орасидаги феъл-атворини қайтадан қуриш, уни одатга ва расм-русмга эмас, балки ҳақиқатга бўйсундириш мумкин бўлиб қолди. Ўз ғоялари учун курашчиларнинг таржимаи ҳолларидаги жозибадор манзаралар ва ғайритабиий ҳодисаларнинг кўплиги мана шундан келиб чиққан. Сопол идишга жойлашиб олган файласуф Диоген ёки ўзи ҳақиқат деб билган фикрдан воз кечмай, суднинг ҳукмига биноан заҳар ичган буюк донишманд Суқрот мана шундай курашчилардан бўлганлар.

Қадимий маърифатлар даргоҳида зўравонлик даҳшатига парво қилмай, ҳақиқатга содиқлик, уни излаш ва оммалаштириш олий мақсади, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқатга садоқатини азоб-уқубат билан ёки ҳатто ўлими билан ҳам тасдиқлашга тайёр туриш одати вужудга келди. Чунончи, юнон файласуфи Зенон ҳақидаги афсонада айтилишича, у ҳокими мутлақ Неарх олдидаги сўроқда ўз тилини тишлаб олиб, душманнинг бетига тупурганлиги айтилади.

Қадимий маърифатлар дунёсининг бирлиги. Ҳозирги замон фанига маълум бўлишича, қадимий халқлар бир-бирлари билан доимо алоқа қилиб, бир-бирларига таъсир ўтказиб ва бир-бирларидан баҳраманд бўлиб турганлар. Жуғрофий жиҳатдан олис бўлишларига қарамай, Яқин Шарқ, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида қадим замонларда ҳам алоқа бўлган. Мессопотамия маърифатининг таъсири Арабистонгача етиб борган. Юнонлар ва румоликлар Ҳиндистонга, баъзан Хитойга ҳам бориб келиб турганлар. Эрон ва Мисрда Ҳиндистоннинг савдо-сотиқ жойлари бўлган. Бу алоқаларни археология маълумотлари ҳам, шунингдек, Тур Хейердалнинг қадимий мисрликлар кемалари нусхасида ясалган кемалардаги экспедициялари ва икки дарё оралиғидаги аҳоли турмушини ўрганиш маълумотлари тасдиқлаб турибди.

Искандар Зулқарнайнинг юришлари, улкан давлат барпо этилганлиги, сўнгра Эллин давлатлари ва Румо империяси Ғарб билан Шарқнинг алоқаларини чуқурлаштиришда бениҳоя муҳим босқичлар бўлди (булар ҳақида кейинроқ гап боради). Мазкур давлатларда вужудга келган ўзига хос маданият турли маданиятларнинг унсурларини узвий ва яхлит қилиб ўзида мужассамлаштирган эди.

(Давоми бор).

Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона дорилфунунидан чизгилар

ЧАРОҒБОН

«ЎЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ»

Аллоҳга шукурлар бўлсинким, эндиликда зулмат чекиниб, қора тун қаъридан ҳилол ёғду сочмоқда. Шу ёғдунинг бири Фарғонада. Унинг шуъалари 150 йил илгари бўрону довуллар аро тўплар гулдиросида гоҳ милтиллаб, гоҳ сўнгган пайтлар кўп бўлган. Мударрислар ҳам, толиби илмлар ҳам ўққа учган эдилар. Лекин замон чархи айланишдан тўхтамади. Водийда яна илм чироғи ёна бошлади. Бу — Фарғона давлат олий илмгоҳи — ҳозирги мустақил Ўзбекистонда ташкил топган тўртта йирик дорилфунуннинг бири, унинг иш бошлаганига 60 йил тўлди...

Водийнинг жаннат ҳуснию унинг минг турфа ҳайвонот дунёси, сайроқи қушлар олами, ер остида тилсим бўлиб ётган бебаҳо бойликлари, ажойиб кишилари тилларда достон бўлмаганмиди. Милоддан олдинги III—I асрларда қонҳўр Дорою Искандар Зулқарнайн ва Чингизларнинг қиличларидан ўтмаганмиди? Босқинчиларга қарши курашда фарзандлари Широқу Спитамин, Тўмарису Гўрўғли, Алпомиш тимсолида намоён бўлган эдилар.

Фарғона Ислом дини нури билан мунаввар бўлганига 15 аср бўлди. Бу даврда халқимизга, авлодларга мингдаб маданий мерос қолдирган буюк алломалар, муфассирлар, муҳандислар етишиб чиқмадиларми? Фақиҳ илмига асос солган Зайниддин Марғилоний, жуғрофия ва астрономия илмлари нури билан қоронғу дунёни мунаввар қилган Аҳмад Фарғонийлар шу юртнинг фарзандлари эди. «Олий» мақсадларга етиш борасида водийни қиличдан ўтказган босқинчилар, халқимиз бошига не кунлар солмади. Генерал Скобилев, Кауфман... Уларнинг машъум авлодлари Фрунзе, Куйбишев... нималар қилмади водийда?

Янги тузумдан қон қақшаган маҳаллий аҳоли орасида илмга чанқоқ, ўзбекнинг келажагини яратишга жазм этган маърифатпарвар шоиру шуаролар йўқ эмасди. Улар Қори Ниёзий, Малик Раҳмон, Теша Зоҳидов... сингари ўн уч қалдирғоч фан ва маданият машъаласини кўтарганлар. Кейинчалик уларнинг издошлари Фарғона олий илмгоҳида фанлар формулаларини, келажак интегралларини ечишга киришдилар.

НУРЛИ ЙЎЛ

«...Беш йилликнинг охирига бориб республикада олий малакали педагог кадрларга бўлган талаб 4,9 минг кишига етиши, шунингдек, педагогика академияси бу талабни қондиролмаслигини инобатга олиб, 1930 йил 1 майдан Фарғона шаҳрида олий педагогика институти ташкил этилсин. У икки: ижтимоий-иқтисодий ва тиббиёт-биология бўлимларидан иборат бўлсин. Талабалар сони баҳорги қабулда биринчи даражали қишлоқ мактаб ўқитувчиларидан 140 кишига белгилансин...».

Ўша пайтлари Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ва республика халқ маорифи комиссарлигининг бу қарорини Файзулла Хўжаев тасдиқлаган эди. Бу бежиз эмас. Энг аввало, Ўзбекистонда педагог кадрларга бўлган эҳтиёж ортганлиги, водийда бу ишни амалга ошириш учун имконият ва муҳитнинг мавжудлиги боис бўлганди.

Олий илмгоҳ ташкил топган йили олий педагогика, 1931 йил январидан эса агропедагогика, 1933 йилдан эса давлат педагогика олий илмгоҳи деб аталди. Бу маскан қошида кечки институт иш бошлади. Фарғона, Марғилон, Андижон шаҳарларида унинг бўлимлари тузилди. 1935 йилда унинг қошида ўқитувчилар институти очилиб, унга 180 талаба қабул қилинди...

Фан докторлари, мударрислар ва талабалар билан бўлган учрашув ва суҳбатларда амалга оширилган ишлар, янгиликлар, ўқув, таълим ва тарбия жараёнлари намоён бўлди. Мана, уларнинг фикрлари:

Алимардон АБДУЛҲАМИДОВ,
университет ректорининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ нонби, тарих фанлари доктори, профессор:

— Олий илмгоҳимизнинг босиб ўтган шонли йўли — нурли, десам, муболаға бўлмас. Шароитнинг оғирлиги туфайли талабаларни олий илмгоҳга жалб қилишда катта қийинчиликлар бўлган. Биринчи ректор А. Красноусовнинг даъвати ва ҳукумат раҳбарларининг кўрсатмасига асосан Самарқанд ва Тошкентдаги политехникумларни битираётган талабалар олий илмгоҳимизга қабул қилинди. Малакали ишчи ва деҳқонзодаларни қабул қилиш мақсадида қурхона қошида учта ишчи куллиёти — рабфак ва махсус тайёрлов курслари очилди.

Ўша пайтлари тиббиёт-география куллиёти таркибида биология, биология-химия гуруҳларида 56 талаба ўқир эди. Уларга таниқли олимлардан дастлаб С. Аверинцев, А. Қодиров, Н. Леонов, А. Муҳаммедов, Л. Содиқов, Ў. Гейштор сингари кишилар дарс беришган. Улар орасида маҳаллий кадрлардан етишиб чиққан, 40 йил давомида зоология кафедрасининг мудири бўлиб ишлаган Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А. Муҳаммадиевнинг хизматлари беқиёс эди.

Кейинчалик педагог мутахассислар тайёрлаш профиллари янада кенгайди. Ўзбек тили ва адабиёти, физика-математика, индустриал педагогика, тарих, рус тили ва адабиёти, жисмоний тарбия, педагогика ва психология, мусиқа ва ашула қуллиётлари ва бир қанча кафедра ҳамда бўлимлар ташкил этилди.

Унинг моддий базаси ҳам мустаҳкамланди. 1936 йили институтда учта кабинет — лаборатория бўлган бўлса, 1937 йили уларнинг сони ўнтага етди. 1939 йили янги ўқув биноси, талабалар учун ётоқхоналар қурилди. Ўқитувчилар сафи кенгайиб, сифат жиҳатдан яхшиланди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда, кўпгина ўқитувчи ва талабалар жангга кетишди. Шунга кўра куллиёт ва кафедралар қисқартирилди. Талабалар сони 460 кишига тушиб қолган эди. Урушдан кейин олий илмгоҳда ўқув, таълим ва тарбия ишлари яна изга тушириллди. 1946—1947 йиллари 574 йигит ва қиз ўқиган бўлса, 50-йиллари уларнинг сони 1064 кишига етди. 70-йиллари куллиётлар сони 8 тага кўпайди. Янги кафедралар иш бошлади. 1985 йилга келиб кафедралар сони 48 тани, ўқитувчи-профессорлар эса 418 кишини ташкил этди. Улардан 12 нафари профессор, 182 нафари фан номзодлари эди.

Ўтган йили Ўзбекистон Президентининг фармони билан олий илмгоҳ дорилфунунга айлантирилди. Бу жумҳуриятда тўртинчи дорилфунундир. Натижада масъулият ҳам, таълим ва тарбия сифати ҳам янада яхшиланишига катта имконият яратилди. Қўшимча

бир неча янги куллиёт ва кафедралар очилиши муносабати билан профессор-ўқитувчилар таркиби ва сифати ўсди.

Айни пайтда дорилфунуннинг 60 кафедрасида 600 га яқин ўқитувчи талабаларга фан асосларини сингдирмоқда. Уларнинг 24 нафари фан доктори ва профессор, 24 киши фан номзоди ва доцентлардир. Қувончли томони шундаки, ижодий жамоа олимларининг деярли ярми шу билим масканининг собиқ талабаларидир. Бугунги кунда дорилфунуннинг 15 куллиётида ўн мингга яқин талаба билим олмоқда.

Кейинги йилларда жамоа олимлари ўзларининг илмий-амалий фаолиятларини янада оширдилар. Фақат 1986—1991 йилларда дорилфунун ўқитувчиларидан 6 киши докторлик, 58 киши номзодлик илмий ишларини ёқлашди. 14 монография, 16 қўлланма, 60 га яқин китоб, 500 га яқин илмий мақолалар чоп этилди. Илмий-тадқиқот ишларининг хўжалик шартномаси 3 миллион 60 сўмга бажарилди.

Маъмурият талабаларнинг илмий ишлари ҳамда ўқув-тадқиқот фаолиятларини ҳам ривожлантиришга эътиборни кучайтирди. Ҳозирги кунда талабаларнинг илмий жамияти 5,9 минг йигит ва қизни ўз сафига бирлаштирган. Талабалар ҳар йили вилоят ва жумҳурият илмий-амалий анжуманларида актив қатнашадилар. Кейинги беш йил ичида 535 талаба дорилфунун конференциясининг 41 секциясида ўз илмий иши билан иштирок этди.

Дорилфунундан ўнлаб олимлар, шоир ва ёзувчилар етишиб чиққанлиги — ҳақиқат. Физик олимлардан Б. Отақулов, Э. Абдуллаев, Э. Билолов, А. Афузовлар ярим ўтказгичли юпқа пардали тензоре-зисторларни ишлаб чиқиб, халқ хўжалигига жорий этганликлари учун 1977 йили фан ва техника соҳасида Беруний номли жумҳурият давлат мукофотига сазовор бўлишган. Жумҳурият китобхоналарига номлари яхши таниш бир неча роман, қисса, очерклар ва шеърлар, китоблари муаллифи, истеъдодли ёзувчи Йўлдош Сулаймон, ажойиб шоир Охунжон Ҳаким, Матлуба Аҳмедова, Беруний мукофоти лауреати, ўткир адабий танқидчи Салоҳиддин Мамажонов сингарилар ҳам шу даргоҳда ўқиганлар.

Ўтган 60 йил давомида бу қутлуғ даргоҳ 45 мингдан зиёд педагогик кадрни ҳаётга учирма қилди. Улар орасида қардош Тожикистон жумҳуриятидан Содиқжон Самиев, Музаффар Зулфиқоров каби номи тилга тушган ўқитувчи-шоирлар ҳам бор...

Олий илмгоҳ тараққиётида унинг биринчи ректори А. Красноусов, ўқув ишлари бўлимининг мудири Н. Мишин, куллиёт деканлари Ф. Бурнашев, Р. Отажонов, олимлардан М. Абрамов, Т. Болтабоев, Д. Бектошев, Ҳ. Рустамов, Ғ. Абдураҳмонов каби ўнлаб меҳнат фахрийларининг ҳиссалари катта бўлган. Уларнинг кўплари ҳозир орамизда йўқ, айримлари эса ҳамон ўз фаолиятларини давом эттиришмоқда.

БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

Биз илмий даргоҳни тамомлаган собиқ талабалар билан мулоқотда бўлдик.

Турсунали ҚУРБОНОВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси:

— Мирзо Улуғбек номидаги бу дорилфунун водийда тўнғич олий ўқув юртларидан. Сўнгги даврда фақатгина бизнинг вилоятимиз учун ҳар йили 1000 нафаргача турли ихтисосдаги муаллимларни етказиб бермоқда. 1991-92 ўқув йили арафасида вилоятимиз ўқитувчилари сафига яна 771 нафар мутахассис қўшилди. Шундай қилиб, амалдаги ўқув йилида вилоятимизнинг 797 та мактабида халқимизнинг 493 минг 425 нафар ўғил-қизларига таълим ва тарбия бераётган 42 минг 378 нафар ўқитувчининг аксарият қисми шу даргоҳдан чиққан педагоглардир.

Бу ерда тарбияланган талабалар жумҳуриятда, хусусан, вилоятимизда халқ таълимининг ривожланишига, унинг тармоқларини кенгайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг кўпчилиги 30-, 40-, 50-, 60-йилларда халқ таълими системасининг кўзга кўринган вакиллари бўлиб таниллдилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ёшларга билим ва тарбия бериш, уларни давр талабларига муносиб кишилар қилиб етиштириш ҳамда педагогик кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида дорилфунун билан ҳамкорликда ва яқиндан алоқада бўлиб келмоқда...

* * *

Шоира Қутлубека ҳам шу дорилфунунни тамомлаганлардан бири. У ўз қувончларини шеърий сатрларда ифодалайди:

ИККИ ҚАНОТ

Менинг яхшиларим, ҳам яқинларим,
Дийдор кўришдикми?
Ўнгмидир ё туш?
Осмон туюларкан йўл бу кунлари,
Севинч — икки қанот,
биз ўртада қуш.
Ўн лаҳза ичида ёшардик ўн ёш,
Хотиралар сўзга айланди бирдан.
Яна биз бир тўда талаба, бебош,
Қувончимиз бирга, йўлимиз бирга,
Фарғонанинг яшил бағрида яна
Гоҳ пахта, гоҳида лолалар тердик.
Шеър ёздик шуҳратдан,
пулдан бетама,
Гоҳида Лайли ва Мажнундек юрдик.
Китоблар ичидан китоблар ҳиллаб,
Саволлардан чиқиб саволга ботдик.
Яна шоҳ Машрабнинг
«Ўртар»и билан
Оқ тонгда қип-қизил Кунни уйғотдик.
Буёғи Бугунми? Узаман сўзин,
Орамизга бутун кирмасдан олдин.
Яхшироқ кўрайлик ўз-ўзимизни,
Вужуддан не кетиб, нималар қолди?
Севимлимиз баҳорми ҳамон,
Унинг ташрифидан шодланамизми?
Гул кўтариб кетса чўққилар томон
Вақт топиб, изидан отланамизми?
Ҳамон севамизми безовта, бедор,
Хушсуврат бўлмоққа шошиламизми?
Ёнимизга келса гар азизу ёр
Атиргул мисоли очиламизми?
Машрабу Бобурни соғиниб тинглаб,
Дарё бўламизми, бўламизми ўт?
Ҳамон кўкимизда яшарми кенглик —
Ўзбекистон деган заҳматкаш бир юрт?
Шукронамиз борми ота тупроққа,
«Сиз»лаб юрибмизми қондош инсонни?
Ватанга биз жуда керакли чоғда
Олиб қочмаймизми сояга жонни?
Катта-кичик билан туриб юзма-юз,
Ҳақни айтамизми тортмай ҳижолат?
Болаларгами ҳамон ўша
муҳаббатимиз,
Уларга қоларми биздан хуш одат?
Хаёл осмонида чўлпондай орзу —
Келажак кемтилмай турарми омон?
Ҳурми, дарди йўқми, чиройлими у,
Етмоқ истагимиз кучлими ҳамон?
«Йўқ» бўлса, бу юрак бизга етти ёт,
Дўстларим, ўн йилга ортга қайтамиз.
Ҳар ким ўз юрагин топгунича то
Яна хотирани бошдан айтамиз.

Аъло ўқиш ва аъло ҳулқда талабалар ўртасида «Ким ўзар» мусобақаси бор. Хўш, «Ким ўзар»да ғолиблар борми? Бўлганда қандоқ, уларнинг қувончларига шерик бўлдик.

МУНОСИБ БЎЛАМИЗ

Зулфия НАЗАРОВА,
дорилфунун ўзбек филологияси куллиёти толибаси, Навоий стипендиати:

— Яқинда ректоримиз дорилфунун илмий кенгашининг қарорига мувофиқ янги совринли стипендия соҳибларини белгилаш ҳақидаги буйруққа имзо чекди. Аълочи талабаларимиз Шарқнинг машҳур алломалар стипендияларини олмоқдалар.

Менинг ҳаётимда ҳам 1991 йил унутилмас сана бўлди. Устозларим, тенгдошларим менга юксак ишонч билдиришиб, ҳазрат Алишер Навоий номидаги совринли стипендияга тавсия этишди. Бу мукофот менга, сафдошларимга янгидан-янги масъулиятлар юклайди. Келажак авлод тақдири учун муносиб фарзанд бўламиз...

Фарҳод БУРҲОНИДДИНОВ,
Саудия Арабистони Мадина шаҳридаги Ислом дорилфунуни халқаро иқтисодий муносабатлар бўлимининг талабаси:

— Мен она-юртим Фарғонадан Мадина шаҳрига талпиниб келдим. Ҳозир дорилфунуннинг I-босқичида таҳсил кўрмоқдаман. Уни битириб, шу ерда ишлаш ниятим ҳам йўқ эмас.

Биз мусулмон бандаларининг асосий бурчи ота-боболар удуми ва анъаналарини давом эттириш, уларнинг жаҳон мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлашдан иборатдир. Мен дорилфунуннинг халқаро иқтисодий муносабатлар бўлимида ўқимоқдаман. Менга ҳар жиҳатдан кўмак бераётган дорилфунун раҳбариятига ва дўстларимга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Ўйлайманки, бизнинг дўстона алоқаларимиз янада кучаяди.

Бундай дил сўзларини бошқалардан ҳам кўп эшитдик. Дорилфунундан олган таассуротларимиз чексиз эди.

Ҳа, бу дорилфунун ҳақли равишда водийнинг, қолаверса, жумҳуриятнинг чароғбони бўлиб бормоқда...

Муҳаммад СОДИҚ,
Ашур Али АҲМАД ўғли.

Суратларда: дорилфунун ҳаётидан лавҳалар.

* * *

М. САРИМСОҚОВ ва Г. ПФАН тасвирлари.

СЎЗ СЕҲРИ

Саломлашиш ҳақида кўп ёзилган, бундан кейин ҳам ёзилади. Чунки инсонлар дилини равшан қиладиган, уларнинг бир-бирига меҳрини боғловчи сўз саломдир. Бу сўзда олам-олам маъно, куч-қудрат бор. Таниш-билиш бўлмаган кишига ҳам ассалому алайкум десангиз, у кишининг кўнгли кўтарилади, баҳри-дили очилади.

Минг афсуслар бўлсинки, ёшларнинг аксарияти катталарга салом беришни билишмайди. Улар, назаримда, фақат таниш-билишлар саломлашиши керак деб ўйлашади.

«Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Шунинг учун салом бериш одобини оилада тарбиялаш лозим. Ота-она хушмуомала бўлса, тарбияга бир ҳил талаб қўйилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Хуллас, саломлашиш ҳам фарз, ҳам қарздир.

И. ХЎЖАҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти Паст Дарғом ноҳияси, меҳнат фахрийси.

БИЗНИНГ ТАКЛИФ

КЎПРОҚ ЧОП ЭТИЛСА...

Ўтган йили «Ўқитувчи» нашриёти томонидан Т. Қурбоновнинг «Одобнома» қўлланмаси 40 минг нусхада чоп этилди. 10-синфлар учун зарур бўлган бу қўлланмани топиш ҳозир муаммо бўлиб қолди. Шунинг учун уни кўпроқ нусхада нашр этилса деган ниятдамиз.

Т. УМАРОВ,
Олтиариқ районидаги Энгельс номли ўрта мактаб ўқитувчиси.

ФЕСТИВАЛГА ДЎСТЛАР ЙИҒИЛДИ

Сирдарё вилоят ёшлар уюшмаси кенгаши ноғирон болаларнинг биринчи фестивалини ўтказди. Олим Хўжаев номли мусиқали драма театри биносида ана шу байрамда қатнашиши керак бўлган деярли 180 нафар бола тўпланди. Залда қўшиқлар ҳаволанди, шеърлар янгради, андозачилик билан шуғулланиб, чеварлик қилаётган, расм чизаётган, ўймакорлик билан банд бўлган болалар ўз ишларини намойиш қилишди.

Байрамни ташкил этишда мутасаддилар — маҳаллий «Наби» брокерлик фирмаси вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ҳузуридаги «Монолит» кичик корхонаси, «Сирдарёоблагострой-2» трестининг 45-кўчма механизациялашган колоннаси ҳам ёрдам берди. Уларнинг фестивалда қатнашиши ва берган бадаллари байрамни янада ёрқин, унутилмас бўлишига кўмаклашди.

Г. ОГОРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ОТА-ОНАНИНГ АҲАМИЯТИ

Яқинда Хўжаобод ноҳиясидаги 9-ўрта мактабда «Бола тарбиясида ота-онанинг аҳамияти» мавзунда ноҳия халқ таълими ходимларининг шўъба йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ноҳия ички ишлар бўлими, маҳаллий кенгашлар ҳамда «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан вакиллар ташриф буюришди.

Мактаб ота-оналар қўмитаси раиси Ғ. Мухторов мактаб билан ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида фикр юритди.

Йиғилишда бола тарбиясида онла ва жамоатчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилди.

Н. ГАППАРОВА.
Андижон вилояти.

«ҚИЗИМНИНГ БОШИГА КУЛФАТ ТУШГАНДИ...»

Саксон ёшни қоралаб, таҳририятга шикоят тугул оддий хат ҳам ёзмаганман. Ёзишга вақтим бўлмаган. Аслида ҳақиқий меҳнат билан шуғулланган одамнинг бошқа ишларга қўли тегмайди, ҳар хил фитнаю фужур, туҳмату иғво, гинаю қудурат билан шуғулланмайди. Бекорчидан эл безор деганн беҳуда айтилмаган.

Бошига ташвиш тушган одамларнинг рўзномаларга нажот излаб чопишларига энди ақлим етаяпти ва мен ҳам сўнгги илинж, охирги нажот деб қўлимга қалам ушладим.

Бундан беш йил муқаддам асалу новвот деб суйганим яккаю ёлғиз қизимнинг бошига оғир кулфат тушди. Кулфат эмас, туҳмат тушди. У Навоий номли педагогика билим юртининг директори эди.

Қизим Мавжуда Эргашова 1971 йилда Бухоро муаллимлар олий илмгоҳини тамомлаган. Уч йил сурункасига мактабда ўқитувчилик қилди. 1974 йилда боғчага ишга ўтди, мудиралик вазифасини бажарди. Сўнгра уни билим юртига олишди. Шу даврда мен у ҳақда одамлардан ҳамиша илиқ гаплар эшитардим, бундан дилим яйраб, кўнглим ўсарди. Ахир фарзанди камолидан хурсанд бўлмаган она бормикан дунёда!

Минг тўққиз юз саксон олтинчи йилнинг баҳори эди, чоғи. Боламга кўз тегди. Кўз текканда ҳам ўзимизларники эмас, «десантчилар»нинг кўзи тегди. Ўша алғов-далғовли йиллар қизимни ҳам порахўрлик, лаганбардорлик, юлғичлик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, қўйингки, яна қанча «лик-лик»лар билан айблашди.

Мен бунга ишонмадим. Ишонолмасдим ҳам. Негаки, фарзандимнинг қўли ҳалол, кўнгли поклигига заррача шубҳам бўлмаган. Шу ишонч билан ушбу ғалваларнинг «ижодкори» — вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби А. С. Ефимов ҳузурига отландим. Обком бува эса мени қабул қилмади. Жудаям хўрлигим келди ўшанда. Шу жамиятни деб, фаровон турмушимизни деб, шу коммунистик фирқа учун ярим аср югуриб-елибман-а. На ҳузур-ҳаловатни билдик, на қадр-қимматни ўйладик, на бир одамларча яшадик. Умримиз меҳнат билан ўтди. Ўзбекистонга «адолат ва имон олиб келган» бу десантчи эса мени ҳузурига йўлатмади. Шунда жумҳуриятнинг оқсоқоли Йўлдош ота Охунбобоевнинг сўзларини эсладим. У киши биз комсомоллар Қаттақўрғон ҳовузини (сув омборини — ред.) қураётганда, менга шахсан ўзи фахрий ёрлиқ топшираётиб «Келажак сизларники, ҳали қанча уйлар, маъмурий бинолар, гигант қурилишлар бўлади. Буларнинг барчаси сизларникидир, ҳеч ким кўксингиздан итармайди», дегандилар. Наҳотки, ўз қўлларимиз билан бунёд этган биноларга эндиликда ўзимиз киролмайдиган бўлиб қолдик.

Хуллас, у ёққа чопдим — эшигини тамбалаб олишди, бу ёққа чопдим — ўзимиз ҳам ожизмиз, ёрдам беролмаймиз, деб елка қисишди. Аслида мен уларнинг олдига ёрдам сўраб кирмагандим. Қизимнинг елкасидаги тавқи-лаънатнинг нақадар ҳақ ёки ноҳақлигини билишни, аниқлашни истагандим. Афсуски, барча ҳаракатларим зое кетди.

Вақт — энг яхши ҳакам. Ўша десантчиларнинг Навоийда қилган кирдикорлари бирма-бир фош бўлмоқда. Уларнинг қўлидан озор тоғганларнинг деярли барчаси оқланди — ўз вазифаларига қайтди. Пораҳўр деб калтакланганларнинг ҳам, отасининг жанозасига қатнашганлиги учун партиядан ўчирилиб ишдан олинганларнинг ҳам елкасига офтоб тегди. Шу жумладан, қизимга атайлаб ёпиштирилган барча айблар ҳам қонуний равишда туҳмат деб топилди. Таассуфки, буни уюштирганлар ва иғво тўқиганларнинг аксарияти ўз ватанларига — совуқ юртларга кетиб улгуришди. Аммо бизнинг юрагимизда доғ қолди. Токи бу доғ ювилмас экан, мен бу дунёдан тинчгина кўз юмиб кетолмайман. Бу борада мен маҳаллий раҳбарларимизниг, қолаверса, ўша даврда ўз мутахассис кадрларини бировларга «калтаклатиб қўйган»ларнинг қатъиятлилигини ҳамда одил муносабатини кўргим келади. Тўғри, қизим ишсиз қолмайди. Аммо мен энди қўни-қўшниларнинг, таниш-нотаниш кишиларнинг аччиқ-тизиқ гапларини эшитишни, кинояли нигоҳларини кўришни истамайман.

М. АБДУЛЛАЕВА,
жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер.
Бухоро вилояти Навоий ноҳияси.

Балкиз АЛАДДИН

Муҳаммад пайғамбар қиссаси

ЗАЙД

Ўша йиллари кишилар бошқа нарсалар қатори қул сотар ва қул сотиб олишарди.

Бир гал Хадича бозорда бир болакайни кўриб, уни ёқтириб қолади ва Муҳаммадга ҳамроҳ бўлар, деб уни сотиб олади. Боланинг исми Зайд эди. Бироқ Муҳаммад қулчиликни хуш кўрмасди. У Зайдга худди ўз боласидек муомала қилади.

Қисқаси, Зайд отаси Ҳарисага йўлдош бўлиб, карвонда кетаётганда қароқчилар ҳужумига учраган, сўнг асир олиниб, бозорда сотилган эди. Ҳариса ўғлининг Муҳаммад хонадонига тушганини эшитиб, иниси билан Маккага келади.

«Ўғлимни қайтариб беринг, — деб ёлворади у, — истаган пулингизни бераман».

Муҳаммад Зайдни чақиради. «Мана отанг келибди, — дейди у болага, — сени олиб кетмоқчи. Сен озодсан».

Зайд отасига дейди: «Дада, сиз қулнинг ҳаётини машаққатли деб биласиз. Лекин мени бу оилада шунчалар севишадики, бу ерни ташлаб бошқа ёққа кетолмайман».

Буни кутмаган Ҳариса ҳанг-манг бўлиб қолади: «Ўз отанг, қавму қариндошларинг ёнига қайтишни наҳот истамасанг?!»

«Йўқ, — деб жавоб беради Зайд,— мен шу уйда қоламан».

«Олинг, у сизники», — дейди Ҳариса Муҳаммадга.

Муҳаммад Зайднинг қўлидан тутиб, уни Каъбага бошлайди. Зайднинг отаси билан амакиси ҳайрон бўлиб эргашадилар.

Улар Каъбага етиб келгач, Муҳаммад баланд овозда, ҳаммага эшиттириб дейди:

«Эшитмадим деманглар: бугундан бошлаб Зайд — менинг ўғлим!»

Ҳариса ва унинг иниси Зайднинг тақдиридан тинчиб, келган йўлларига қайтиб кетишади.

(Боши рўзноманинг 1, 7 ва 13-сонларида).

КАЪБАНИНГ ҚАЙТА ҚУРИЛИШИ

Ўшанда Каъба тўзиб-тўкилиб, таъмирга жудаям муҳтож бўлиб ётар, баъзан эски иморат эди. Тепадан мутасил уриб турувчи жазирама офтоб ўз ишини қилган, сув тошқинлари туфайли деворлари емирилиб тушган эди. Деворлар бузуқлиги устида том ҳам илма-тешик эди, ўғрилар бемалол девор ошиб, ичкаридаги қимматбаҳо ашёларни талаб-ташиб кетишлари ҳеч гап эмасди. Бу ҳам етмагандек, муқаддас масканда заҳарли илон ин қўйган эди.

Қабилаларнинг оқсоқоллари йиғилишиб, маслаҳат қилишади. Улар деворларни баланд кўтариб, томни мустаҳкамламоқчи, хуллас, Каъбани қайта қурмоқчи бўлишади. Лекин илондан қўрқиб, ишни пайсалга солишади. Шунда қаёқдандир каттакон бир қуш учиб келиб, пастга шўнғийди ва илонни кўтариб, кўкка парвоз қилади ва тезда кўздан ғойиб бўлади. «Парвардигор ишимизга йўл очди, энди Каъбани қайта қурамиз», дейишади қурайшлар.

Ўшанда бир юнон кемаси қирғоққа урилиб, Макка яқинида ҳалокатга учраган эди. Бир кишини ўша ёққа ёғоч харид қилишга юборишади. Бошқалар тош йўнгани тоққа жўнайдилар. Қурайшлар тўрт гуруҳга бўлиниб, ишга киришадилар. Ҳар бир гуруҳ иморатнинг бир деворини тиклашга масъул бўлади. Эски деворларни қулатиб, Иброҳим Халилуллоҳ қўйган пойдеворни очишади. У ложувард тошлардан ясалган бўлиб, «Иброҳим пойдевори» деб аталарди. Унга болта уришганда, даҳшатли зилзила қўзғолгандай, бутун Макка силкинади. Катта тош остида ассурий хати билан битилган ёзувга дуч келишади. Уни ҳеч кимса ўқиб, тушунтириб беролмайди. Шунда бир яҳудий ўқиб, ёзувнинг маъносини англатади: «Мен — тангри, Бекаанинг эгасиман. Мен буни самовот ва ер, қуёш ва ойни яратган кунда бунёд этдим. Атрофини шарофатли етти фаришта билан ўрадим, токи мана шу икки тоғ устивор экан, бу иморат ҳам устивор турсин. Бу ернинг фуқаросига сув ва сут ҳамиша хайрли бўлсин».

Кулранг мармар тошлар ётқизиб, тўрт деворни кўтаришади. Сўнг қурайшлар ўртасида жанжал чиқади. Улар шу пайтгача бирга ишлашган, биргалашиб елкаларда тош ташишган, Муҳаммад ҳам уларнинг сафида эди. Энди бўлса: «Муқаддас Қора Тошни деворга ким ётқизади? Ўша омадли киши ким бўлади?» — деган масалада баҳс-мунозара бошланади. Мунозара қизигандан қизиб, унга катта-кичик барча аралашади ва иш тўрт-беш кун ўрнидан силжимай, тақа-тақ тўхтаб қолади. Ниҳоят, Маккани энг мўътабар қарияси шундоқ дейди: «Ҳой, халойиқ, гапимга қулоқ солинглар. Ана шу дарвозадан биринчи бўлиб ким кирса, Муқаддас Тошни деворга ўша қўяди».

Ҳамма ўлтириб кута бошлайди. Дарвозадан биринчи бўлиб Муҳаммад кириб келади. У ҳам бошқаларга қўшилиб ишлаган, аммо жанжал бошлангач, бу ердан кетиб қолган, оқсоқолларнинг сўнгги қароридан бехабар эди. «Ал-Амин келяпти! — деб қичқириб юборади ҳамма. — Муқаддас вазифани Ал-Амин адо этгани яхши!»

Муҳаммад яктагини ечиб, ерга ёйида, сўнг Муқаддас Тошни кўтариб, унинг устига қўяди. «Азиз биродарларим, келинглар!» — дейди у. Тўрт гуруҳдан тўрт кишини чақириб, яктакнинг тўрт учидан кўтаришга буюради. Улар яктакни баланд кўтарадилар. Муҳаммад Муқаддас Қора Тошни олиб, деворга жойлаштиради.

ВАҲИЙ

Муҳаммад ҳар йил рамазонда Ҳира тоғидаги ғорга бориб, у ерда ўй-тафаккурга берилар, узун тунларни тоат-ибодат билан ўтказарди.

Ўттиз саккиз ёшда экан, бир гал ибодат чоғи вужудини сирли бир шуъла қуршаб олганини пайқаб қолади. Қирқ ёшга тўлганда бир кун ғорда ўлтираркан, «Ўқи!» деган овозни эшитади. «Мен ўқий олмайман», деб жавоб беради у. Овоз яна буюради: «Ўқи!» Муҳаммад тағин жавоб қайтаради: «Мен ўқий олмайман». Овоз яна амр этади: «Ўқи..!» «Нимани ўқий» — сўрайди Муҳаммад. «Ўқи!» — дейди овоз. — Одамни лойдан яратган Эгамнинг номи билан. Эгамким, ҳусни мутлақдир, одамзот билмаганини билдирар қалам бирлан...» Муҳаммад ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб қолади. Ғордан чиқиб, эшик олдида бир зум хаёлга толади. Яна таниш овоз янграйди: «Е Муҳаммад, сиз — худонинг расулисиз, мен — Жаброилман». Муҳаммад атрофга аланглаб, осмонда, уфқ устида турган фаришта Жаброилни кўради, у шундай ярқираб нур сочардики, боқсанг, кўз қамашиб кетарди. Муҳаммад орқасига ўгирилади. Аммо у қаёққа ўгирилмасин, фаришта қаршисида пайдо бўлаверади. Ниҳоят, у кўздан ғойиб бўлгач, Муҳаммад уйга қайтади. Уйга қайтаркан, ўйлаб ўйига етолмайди: мен бир фақир киши бўлсам, парвардигор нега мени расулликка танлайди?.. Ҳолбуки, тангри ҳамиша фақир ва қалби пок инсонларни йўқлайди ва улар яратганнинг сўзини дунёга ёндирлар.

Фаришта Жаброил Ҳира тоғида ўқишга буюрган ва Муҳаммад, саводсиз бўлишига қарамай, ўқитган сўзлар — «Ўқиш», «Қироат қилиш» ёки «Ал-Қуръон» деб аталади. Бу — худодан Муҳаммадга етган биринчи ваҳий, самовий Қуръоннинг илк парчаси эди. Шундан сўнг Муҳаммадга йигирма уч йил давомида кетма-кет ваҳий келиб туради. У машаққатга ботган ёки ғанғиб қолган, бирор муҳим воқеа юз берган ёки юз бермоқчи бўлган дақиқаларда кўкдан нидо келади.

Муҳаммад ғоят ташвишланиб уйига қайтади ва бор гапни хотини Хадичага айтади. Хадича унга тасалли беради. «Бу — ажойиб хушхабар! — дейди у. — Аллоҳ сизни ўз пайғамбари этиб сайламиш!»

Хадича Муҳаммадни амакиваччаси — кекса Варақа бин Навфал ҳузурига бошлайди. Варақа яҳудий ва насроний қўлёзмаларни ўқир, ўзи насроний динига эътиқод боғлаганди. У бор гапни диққат билан тинглайди. «Ҳа, мен ишонаман, сиз — китобларда келиши башорат этилган пайғамбарсиз, — дейди у. — Дарҳақиқат, бу — буюк хушхабар. Бу Сино тоғида туриб, худодан Таврот олган Мусонинг саргузаштини эслатади. Агар тирик бўлсам, халойиқ сизни таъқиб этганда, худо ҳаққи, Муҳаммад, мен сизни ҳимоя қиламан».

«Мени таъқиб этишадими?» — сўрайди Муҳаммад.

«Ҳа, барча пайғамбарларни таъқиб этишган», — деб жавоб беради Варақа.

Бироқ у узоқ яшамайди, бир неча ойдан сўнг вафот этади.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

СЎРИ ВА ИШКОМ

— Қаддим томдан баланд. Баҳаво жойдаман. Тонгдан кечгача қуёш нурига ошноман. Узумнинг менда олтиндек товланиб пишади. Қадди мендан паст ишкомдаги узумнинг-чи, аҳволи қийин.

— Сабаб, — ҳайрон бўлди сўрига таралган ток.

— Ишком мендан паст, дедим-ку.

Ишком буни эшитди-ю, сўрига миқ этмади. Ўзига таралган токнинг руҳини кўтарди: Аввало боғбоннинг меҳнати соз бўлсин.

— Айтганинг бўлсин, — деди ток.

Боғбон сўри ва ишкомнинг шўра хомтогига сира эринмади, ғўра хомтоги осон кўчади, деб.

Ёз чилласи. Ишком, сўридаги узумлар кун сайин тўлишяпти. Боғбон ишкомнинг ғўра хомтагини кўнгилдагидек қилди-ю, сўрига қолганда боши айланди. Тоби қочди. Ўғли эса бўлса бўлар, бўлмаса бўлмас қабилида хомток қилди.

Ишком сўридек баланд бўлмаса ҳам кўрган кўзларга файзли. Узумлари нурдек тиллоланиб, боғбон меҳнатини улуғларди.

Сўридаги ҳосил-чи?! Бачки новдалар қуршови, қоронғуда нурга зориқиб толган. Ириб оқади. Боғбоннинг соғлиги, меҳнати соз бўлмаса, сўри ишкомдан ўн марта ошиқ баҳаво бўлса ҳам фойдасиз экан, дея «кул» касалидан тарс-тарс ёрилади...

●

ТУПРОҚ

Қўл ниҳол экарди. Қуруқ, енгил тупроқ унинг илдизи устига тушаркан, сал эсган шамолдан тўзиб чангийди.

— Илдизининг қолганини анови гўнг билан кўмақол.

— Чанги йўқ, — мурғак кўзларини пирпиратди ниҳол.

Қўл «ниҳолга маза, зўр озуқа», — дея чуқурнинг қолганига гўнг босди. Ёнидан ариқча чизиб, сув жилдиратди. Ниҳолнинг кайфи чоғ: — Сен ҳам, мен ҳам чангдан озодмиз.

Афсус, бир кун қўл ниҳолга боқса, сичқон қулоғидек ўсган барглари сарғиш. Безгак тутгандек титраб, нажот истайди. Қўл тажрибасиз. Бу ҳолдан гангийди: Не хатолик ўтдийкин мендан, а? Омилкорга чопади.

Омилкор ниҳол тагини очса, гўнг қизиб илдизини куйдираётган экан.

— Аттанг, — ачиниб, деди у қўлига. — Гўнгга тупроқни омухта қилмапсан. Ахир илдизлари унинг кучини тупроқ орқали эмади. Тупроқ она-да, ўғитга тўйиниб кўкрак тутади. уларга. Билиб қўй, жамики ниҳолнинг ўсишига энг аввал тупроқ — она эгалик қилади.

●

ЯХШИЯМ-КИ...

Қатор тутлар орасига жўяк тортиб, мош экаётган деҳқон ўйларди: «Дуккакли-да, ерга дармон. Парвариш, озиғи обитобида берилса, шу баҳона тутларнинг барги ҳам шапалоқ-шапалоқ бўлади. Шохи, атласнинг той-тойи шу пайкалдан бошланади».

Хатосиз унган мошлар деҳқоннинг меҳри, берган озуқаларига тўйиниб, барг ёзишади. Тутлар эса сарв қоматларини чўзиб, мошлар юзига соядан тўр ташлаб, қуёш йўлини тўсишарди.

— Яхшиямки, — дейди мошлардан бири соядан ланж тортиб қўшнисига, — эгамиз тутларга сувниям, озуқаларни ҳам раво кўрмайди. Жиндаккина раво кўрса-чи, бўйлари осмонга етаркан. Соя эмас, зим-зиё тунда сарғаяр эканмиз.

— Уларга меҳр қўймаганигаям шукр, — севиниб ўзига ўзи далда берди қўшниси.

— Яхшиямки, — дейди бир тут қўшнисига мошларнинг шивиршивирини пайқаб, — ўзларига берилаётган озуқалар кучини илдизларимиз билан зимдан шимаётганимиз, деҳқон кўнглича иш тутаётганимизни сезишмайди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

АХБОРОТ

МИЛЛИЙ МУЗЕЙ

Норин ноҳиясидаги «Булбулча» болалар боғчасида миллий музей ташкил этилган. Бир неча йилдирки, методист-тарбиячи М. Расулова музейга бош-қош бўлиб келаётир. Бу ерда 120 хилдан ортиқ турли даврларга оид асбоблар, идишлар, хотин-қизлар тақинчоқлари, пул, тангалар, қадимий либослар ва бошқа нарсалар мавжуд.

Ўз масъулиятини чуқур англаган М. Расулова музейдаги нарсаларни асрабавайлаб сақлаш билан бирга, уларни қўпайтириш учун ҳам тинмай изланмоқда.

Музей доимо гавжум. Бу ерга қўшни «Ғунча» болалар боғчасининг тарбияланувчилари, шунингдек, ўқувчилар ҳам тез-тез келиб туришади. Уларнинг миллий музейдан олаётган таассуротлари ёмон бўлмаяпти.

Б. ҚУШМОНОВ.

* * *

«ОДОБНОМА» МАВЗУИДА...

Наманган вилояти халқ таълими ходимларининг ташаббуси билан Наманган ноҳиясидаги Кашшофлар уйида «Одобнома» мавзуида синов бўлиб ўтди.

Синов қатнашчилари Кашшофлар уйидаги тўгараклар фаолияти билан танишиб, ижобий баҳоладилар. Шунингдек, 23-ўрта мактабда ҳам шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Уни ўқувчиларнинг ўзлари ташкил қилдилар.

Йиғилганлар «Одобнома»га оид ўқувчилар суҳбатини маъқулладилар. Синов якунида эсдалик совғалари топширилди.

Ю. АБДУЛЛАЕВ.

* * *

МЕТОДИК СИНОВ

Тўрақўрғон ноҳиясидаги мактабдан ташқари муассасалар ходимларининг вилоят семинари бўлиб ўтди. Семинарга бошқа ноҳиялардан ҳам шу касбга даҳлдор кишилар келдилар. Ўзаро тажриба ва фикр алмашилди. «Ёш техниклар», «Ёш натуралистлар» ҳамда «Қуёнчилик» тўгараги иш фаолияти билан яқиндан танишилди. Қилинаётган ибратли ишлар, қўлга киритилган ютуқлар барчага манзур бўлди.

Ўтказилган методик синов қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди. Бундан кейин ҳам мунтазам равишда ўзаро ҳамкорликда тадбирлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ деган қарорга келинди.

А. НУРИДДИНОВ.
Наманган вилояти.

ЎРТА ОСИЁДА АРИФМЕТИКА

Ўрта Осиё халқлари ҳам бошқа халқлар қатори жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшганлар. Эндиликда уларнинг аждодлари томонидан яратилган илмий, маданий ёдгорликлар нафақат Ўрта Осиё халқлари, балки бошқа халқлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этадиган улкан бойлик бўлиб қоляпти. Мана шу илмий меросни ўрганиш, уни оммалаштириш олимларнинг, айниқса, фан тарихи мутахассисларининг асосий бурчидир.

Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, математик сонлар, жумладан, арифметика, алгебра, геометрия ва тригонометрияга тааллуқли қўлёзмалар тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганилган деб бўлмайди. Шу билан бирга бу фанларнинг баён этилиш ва ўқитилиш усуллари тўла тадқиқ этилмаган. Шунингдек, ўрта аср мадрасалари ва мактабларида математик фанлар қай тарзда ва қандай ҳажмда ўргатилганлиги ҳам ҳозирги тадқиқотлар доирасидан четда қолиб кетяпти. Ваҳоланки, сақланиб қолган кўплаб математик асарлар мазмуни ва баён этилиш услуби жиҳатидан ўз даврининг шу фан соҳасидаги дарслиги ёки қўлланмаси бўлганлиги шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам математика ўқитувчилари ўз диққат доираларига шу масалаларни ҳам киритсалар ва дарсларида, дарсдан ташқари машғулотларида баён этилаётган масалаларга тарихий ёндашиб, математика тарихидан ҳам маълумотлар бериб турсалар, ўқувчиларнинг билимлари чуқурлашиб, уларда математикага ва унинг тарихига бўлган қизиқиши янада кучаярди. Шу мақсадда яқинда «Ўқитувчи» нашриётида С. А. Аҳмедов ва Н. С. Аҳмедоваларнинг «Ўрта Осиёда арифметика тараққиёти ва унинг ўқитилиш тарихи» китоби нашр қилинди.

Китоб икки бўлим ва беш бобдан иборат. «Ўрта Осиёда бутун сонлар арифметикасининг ўқитилиш тарихи» деб аталадиган биринчи бўлимда ўрта асрлардаги Ўрта Осиё олимларининг (Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абул Аббос Фарғоний, Абул Вафо, Хўжандий, Кўҳий, Ҳосиб Кархий, ан Насавий, Носириддин Тусий, Жамшид Кошиий ва ҳоказо) математика соҳасида битган асарлари ва уларни қандай усулда баён этганликлари, унли позицион ҳисоблаш системаси ва арифметика амалларнинг бажарилиш усуллари ва уларга берилган таърифларнинг эволюцияси, арифметик амалларни ҳозирги усул билан бажаришга ўтилган босқичлар ҳақида, ўрта аср Шарқ математикларининг арифметик асарлари асосида XVIII—XIX асрларда Ўрта Осиё мадрасаларида ўқитилган арифметиканинг мазмуни ва ўқитиш усули ҳақида тарихий маълумотлар берилади.

«Ўрта Осиёда каср сонлар арифметикасининг ўқитилиш тарихи» деб номланган иккинчи бўлимда эса Ўрта Осиё математикларининг мисрликлар, юнонлар ва ҳиндларнинг оддий каср ғояларини илмий ва услубий томондан такомиллаштирганликлари, бобилликларнинг олтмишли позицион ҳисоблаш системасини тараққий эттириб, ягона абсолют олтмишли ҳисоблаш системасини ижод этганликлари, Улуғбек мадрасасининг атоқли арбоби Жамшид Кошийнинг 1427 йилда ёзган «Арифметика калити» китобида қандай усул билан ўнли касрни кашф этганлиги, олтмишли касрни ўнли касрга ва унинг тескарисига айлантириш усуллари ва бунга оид тарихий маълумотлар берилади.

Китоб ўрта мактаб ўқитувчилари, дорилфунунларнинг ва педагогика олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан математика тарихига қизиқувчи барча китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

И. ШОЙМАРДОНОВ.



Бу қушча нима деяпти экан-а?

А. ЧАПЛИГИНА сурати.

• Ойномаларнинг янги сонларида

«ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ»

Ойноманинг дастлабки сони таҳририятнинг ушбу йилдаги режалари ҳақида ҳикоя қилувчи муштарийларга мурожаат билан очилган. «Муаммолар... Вазифалар... Ечимлар...» деб номланган янги рукн педагогика фанлари номзоди Муҳаббат Абдураимованинг она тили муаммолари хусусидаги мақоласи ва Жумҳурият ўқув-методика маркази ходимлари томонидан тайёрланган «Махсус таълим мактаби» номли материаллари билан кўз очди.

Шоир Шукур Саъдулла таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Назира Саломованинг «Болаларга ҳамнафас» сарлавҳали мақоласи берилган. Шунингдек, М. Юсупованинг «Нафис санъат мактабида она тилини чуқур ўргатиш тажрибаси», педагогика фанлари номзоди Жуманазар Ҳасановнинг «Нутқ маданиятини ривожлантиришда лингафондан фойдаланиш», қашқадарёлик ўқитувчи Гулназира Ғаппорованинг «Дарсда перфокарталарни қўллаш», навоийлик муаллима Нигора Муродованинг «Шевада сўзловчи ўқувчиларни адабий тилга ўргатиш», тошкентлик ўқитувчи Навира Ғуломованинг «Бадиий адабиётга бўлган қизиқишни ортириш», андижонлик муаллима Ҳамидахон Абдуғаниеванинг «5—6-синфларда ифодали ўқиш малакаларини такомиллаштириш» ҳақидаги серфикр мақолалари муштарийлар эътиборига ҳавола этилган.

Ҳамкасблар ижоди

МАНЗАРА

Қуёш аста нурин тароғлаб,
Қовун тилмоқ бўлиб чиқади.
Кенг далалар ғўза қучоғлаб,
Чаноқларда момиқ йиғади.
Қуёш ўйи билан қорайиб,
Ишкомларда нигорон чарос.
Қуёш ишқи билан зўрайиб,
Ёз қариб, куз бўлмоқлиги рост...

Раҳима ДЕҲҚОНОВА,
Тошкентдаги 62-мактаб муаллими.

ШОИР

А. С. Пушкинга

У яшашдан тўйди аввало,
Фисқу-фасод, ёлғонлар аро.
Ғилофларда яратган оллоҳ —
Аросатда қолғонлар аро.

Эгилмади лек унинг боши,
Хушу ноҳуш онларида ҳам.
Шеъриятнинг ростгўй қуёши,
Балқиб шоҳлар тонгларида ҳам.

Шоир ўлди, унинг жонига
Қора қузғун ташлади соя...
Йиллар аро аммо ёнига
Келиб қўнди бир буюк қоя...

БИР ҚИЗ ЎТАР

Кўчамиздан бир қиз ўтар, бир қиз ўтар.
Майин-майин қадам ташлаб, гул юз ўтар.
Боққанида порлаб турар чарос кўзи,
Ул қиз эмас, кўкдан тушган юлдуз ўтар.

Гўзалликка шунчалар бой тилсимми у,
Қаро кўзга қошлари ёй, тилсимми у?
Ой юзига ҳавасда ой, тилсимми у?
Ошиқона кўз ташласам, сўзсиз ўтар.

Тушларимда ҳайқираман, қулоқ сол, деб,
Куйиб-куйиб кул бўлмайин, сақлаб қол, деб.
Парво қилмай мен шайдонинг ноласига
Санам елдек бесасу ҳам изсиз ўтар.

Кўчамиздан бир қиз ўтар, бир қиз ўтар.
Хаёлимни олган нур қиз, сир қиз ўтар,
Оламимни забт этган хур ўтиб турсин,
Ишим йўқдир, фаришта ё қирқ қиз ўтар...

Чори БОЗОРОВ,
Қашқадарё вилояти Ғузор ноҳиясидаги А. С. Макаренко номли мактаб ўқитувчиси.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича бўш турган лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ПРОФЕССОР:

— ботаника ва химия кафедрасига.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

— социализм назарияси ва сиёсий иқтисод кафедрасига;

— факультетлараро рус тили кафедрасига.

ЎҚИТУВЧИЛАР:

— педагогика ва психология кафедрасига.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қоидага мувофиқ қуйидаги қароргоҳга юборилади: 740000, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази жамоаси марказ директори Н. М. Мирқурбоновга онаси Тамара Валиевна МИРҚУРБОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12